УДК:10+341.049.5+423.4

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР ЮКСАЛИШИДАГИ РОЛИ

**Б.Б.Иминов**

*Мақолада барқарор ривожланишнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг маданий муносабатлар юксалишидаги ўрни таҳлил қилинган. Уларнинг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигига алоҳида диққат қаратилган. Сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг маданий муносабатлардаги имкониятлари, хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқалар ривожидаги ўрни қайд этилган. Фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланган маданий муносабатларнинг фалсафий омили кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:*** *барқарор ривожланиш, янги тараққиёт босқичи, ёшлар, ислоҳот, маданий алоқалар, хорижий мамлакатлар, мақом, санъат*

*В статье рассматривается роль институтов гражданского общества в дальнейшем углублении культурных связей в условиях новейшего периода развития. Автор сделалана попытка связать данный процесс с деятельностью негосударственных структур. Особо внимание уделяется роли политических партий и средств массовой информации в дальнейшем укреплении межнациональных связей, добрососедских отношений с зарубежными государствами. Рассматривается взаимосвязь культуры с реформационными процессами в социальной сфере.*

***Ключевые слова:*** *стабильное развитие, новый этап развития, молодёжь, реформа, культурные связи, зарубежные страны, маком, искусство.*

Мамлакатимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичи жараёнида ва маданий муносабатларнинг кенгайиши, миллатлараро тотувликнинг янада мустаҳкамланишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим аҳамият касб этади. Демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва барқарор тараққиётни таъминлашда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат-нотижорат институтлар фаолияти муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам демократик ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини таъминлашга эътибор берилди. Сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг иши такомиллаштирилди, уларнинг фаолияти учун муҳим аҳамият касб этадиган, жамиятдаги ўрнини, ислоҳотлардаги фаоллигини янада оширишга қаратилган, ислоҳотлар жараёнининг йўналишларидаги иштирокини аниқ белгилаб олиши учун фундамент, методологик асос ролини бажарадиган қонунлар қабул қилинди. Тараққиётнинг янги босқичида маданий муносабатлар, ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши асосий вазифа сифатида белгиланди.

Муаммони тадқиқ этиш зарурияти, долзарблиги, унинг мамлакат тараққиётидаги, шахс камолотидаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган. “Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик. 2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда” [1. Б. 5]. Бу янги ривожланиш даври учун муҳим аҳамият касб этадиган, миллатлараро муносабатлар ва қўшни давлатлар билан маданий алоқаларнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу толерант мазмун касб этадиган амалий фаолият туфайли “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда” [2. Б. 24].

Жамиятнинг жадал суратлардаги ижтимоий тараққиёти жараёнида маданий алоқаларнинг мунтазам кенгайтирилиши, ислоҳотлар ривожининг асосий ҳаракатлантирувчи омили ҳисобланган инсон омилига эътибор қаратилади. Маданий

алоқалар моҳиятини тўлиқ англаган, унинг замонавий мазмунини янгича муносабатлар билан бойита оладиган шахсни ушбу фаолиятга жалб этиш зарурияти вужудга келади. Шунингдек, маданий муносабатлар жараёни тарихи, тараққиёт генезиси ҳақида махсус маълумотлар, ахборотлар базасига эга бўлиш, давлатимизнинг янги даврдаги барқарор тараққиёти, халқаро обрўсининг ошиб боришини таъминлашда, айниқса, миллатлараро дўстлик, ҳамкорликнинг ўрнини англаш муҳимдир. Чунки маданий муносабатларнинг юксалиш жараёни мамлакатлар, миллатлараро муносабатларни янги босқичга олиб чиқадиган ижтимоий омиллар қаторига киради. Натижада "халқаро муносабатларда очиқ ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб борилаётгани туфайли ишончли ҳамкор сифатида мамлакатимизнинг халқаро обрўси тобора ортиб бормоқда. Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирига айланди. Шу билан биргаликда, маданий муносабатлар, алоқаларни янги поғонага кўтариш учун мамлакатимиз халқининг интеллектуал фаоллигини ошириш вазифаси мавжуд" [2. Б. 42]. Таъкидлаш лозимки, ёшларнинг интеллектуал имкониятларини юксалтиришга қаратилган фаолият, мамлакатимизда инсон омилини ислоҳотлар кўламига йўналтириш, ёшлар орасидан янги иқтидорларни кашф этиш, ҳар бир шахсга ажратилган ижтимоий турмуш давридан самарали фойдаланишни жамиятнинг ёш аъзолари тафаккурига сингдириш жараёнини тақозо қилади.

Янги тараққиёт босқичида азалий қўшни, маданий, иқтисодий ҳамкор бўлган, тили, урф-одатлари ўхшайдиган қардош халқлар "Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди. Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди. Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди" [3. Б. 5].

Қадимий ипак йўлидаги саноат, савдо марказларида жойлашганлари сабабли минтақа халқларининг савдо-иқтисодий муносабатлари, маданий алоқалари ўзаро маданиятлар алмашинувида, этномаданиятларнинг бир-бирини тўлдиришида, ўзаро ижобий таъсирида намоён бўлган. Шунингдек, ҳозирги даврда минтақанинг баъзи давлатларида кузатилаётган терроризм, айирмачилик, диний экстремизм, одам савдоси, маҳаллийчилик каби салбий ҳолатларнинг жамият ривожига таъсирининг олдини олишда уларнинг асосий мақсадини фош этиш муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам "барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак" [4. Б. 1]. Масаланинг амалий, назарий, тарбиявий жиҳатларига эътибор берилса, шунга амин бўламизки, сиёсий партиялар жамиятдаги етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий партиялар ўзининг интеллектуал, илмий, ташкилотчилик ва етакчилик имкониятларига эга бўлган кадрлар корпусига эгадир. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни уларнинг демократик жараёнлардаги фаоллиги, тарбиявий, ташвиқот ишларидаги ўрни ёшлар билан ишлашда, уларни ислоҳотларга сафарбар этишдаги тарбиявий, ташкилотчилик фаолиятида кўринади. Шу муносабат билан, улар қаторидаги ёшлар қаноти бўлими ишини мунтазам такомиллаштириш, партия қаторларида фаолият олиб бораётган ижодкорларнинг маданий алоқалар тизимини янада юксалтириш, миллатлараро муносабатлар, халқлар дўстлиги, ўзаро қўшничилик ҳамкорлигини тараннум этувчи бадиий асарлар, театр постановкалари, мўйқалам соҳиблари яратган композициялар, портретлар, опера, мусиқа спектакллари яратишга қўшаётган ҳиссасини янада ошириш вазифасини вужудга келтиради ва бу жараён ўз навбатида "партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади" [5. Б. 4]. Муаммонинг ечимига бундай ёндашув жамиятдаги ижтимоий ҳамкорлик, партиялар ва жамоат ташкилотлари, маданият, санъат муассасалари орасидаги ижодий, ташкилий ишларни кучайтиришни ҳам тақозо қилади. Жамиятдаги сиёсий партиялар ўрнининг ошиб бориши натижасида улар фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнида, яъни "эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз" [6. Б. 128].

Маданий алоқаларнинг инсон маънавий дунёсига бевосита таъсир ўтказадиган жиҳатларининг тобора кенгайиб бораётганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига яратилаётган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар

фаолияти ривожланди. “Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлари мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди” [6. Б. 14]. Демократик ислоҳотларнинг жадаллашуви, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг мамлакат маданий ҳаётида ва халқаро маданий муносабатлардаги ролининг ортиб бориши, уларнинг фаолиятига давлат ташкилотлари томонидан эътиборни кучайтиришни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарининг таклифига биноан, “ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди” [7. Б.134].

Нодавлат-нотижорат ташкилотлар қаторидан ўрин олган 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллатлар ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Улар “халқ дипломатияси” механизмидан фаол фойдаланган ҳолда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Телерадио кўрсатув ва эшиттиришлари 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этди [8. Б. 1]. Биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Маданий алоқалар, маданий муносабатлар ривожида, инсон тафаккурига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришда ва “Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир” [2. Б. 49]. Маданий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишида мустақил давлатлар миллий радио ва телекомпаниялари ўртасидаги ижодий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда 2019 йил 27 май куни Москвада Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Россия давлат телерадиокомпанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди. Ҳужжатга кўра, икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги долзарб масалалар кенг ва холисона ёритиб борилади. Шунингдек, телерадиокомпанияларнинг икки мамлакат ҳудудида ўтказиладиган турли фестиваллар, конгресслар, форумлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши кўзда тутилган. Имзоланган ҳужжатнинг муҳим амалий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатларимиз орасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кирган шароитда, ҳар иккала давлат олиб бораётган тинчликсевар ташқи сиёсат, маданий, таълим, айниқса, олий таълим, фан, илмий ахборотлар алмашуви, кадрларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганлигини ёритиш зарурияти вужудга келди.

Телевидение кўрсатувларида, радиоэшиттиришларда, газеталар саҳифасида эълон қилинган мақолаларда ислом ва христиан, умуман, турли динларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил ва ҳамфикр бўлиб яшаётганлигига алоҳида урғу берилмоқда. Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари ҳудудида жойлашган Рус православ қабристонлари обод қилинди. Россия вакиллари мамлакатимизга ташрифи чоғида ушбу қабристонларда олиб борилган эзгу ишлар билан танишар экан, Ўзбекистонда ўзга миллат ва дин вакилларининг мангу қўним топган маконлари ҳам юксак қадрланиб, эътиборда эканлигига амин бўлишмоқда. Бағрикенглик ўзбек халқининг азалий қадрияти экани фуқоралик жамияти ривожланиши шароитида ҳам ўз исботини топмоқ-

да. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мусулмонлар, христианлар, католиклар, яҳудийлар, корейс протестантлари, арман апостол черкови вакиллари, умуман, барча дин вакилларига ўз эътиқоди эркинлигидан фойдаланиш, ибодатини амалга ошириш учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Совет тузуми даврида атроф-муҳит ҳолатига эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик Орол денгизи қуриши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Лекин вужудга келган экологик хатарларни бартараф этишнинг илмий асосланган ечимлари топилмади. Ушбу муаммолар минтақада иқлим ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз ва минтақа халқлари учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўймоқда.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ортиб бориши натижасида уларнинг фаолиятига бўлган қизиқиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан 2019 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, партия вакиллари парламент қуйи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашини муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қуйи палатасидан Экологик партия вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик партиянинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустаҳкамланишига хизмат қилади. Натижада 2018 йилда олиб борилган ташкилий ишлар туфайли, мамлакатимизда экологик партияни шакллантириш жараёни амалга оширилди, 2019 йилнинг 8 январь куни Ўзбекистон экологик партияси таъсис съезди бўлиб ўтди [9. Б. 4]. Янги тараққиёт босқичида, экологик сиёсий партиянинг асосий эътибори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мамлакат ҳар бир фуқаросининг умумий иши бўлишига қаратилади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда хорижий давлатлар амалиётида экология соҳасидаги сиёсий партиялар фуқаролик жамиятида муҳим ўринга эга. Жумладан, дунёда 100 га яқин давлатларда экологик партиялар фаолият олиб боради. Бозор иқтисодиёти чуқурлашуви шароитида экологик партиялар мамлакатлар сиёсий майдонининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида вакиллик органларида ўз ўринларга эгадир. Мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, аҳоли учун қулай экологик шароит яратиш ва ноёб табиатни сақлашга жамиятнинг барча кучларини сафарбар қилиш, ҳудудий ва маҳаллий экологик ва фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, шахснинг маданий савиясини оширишга йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш зарурдир. Шунингдек, жамиятда аҳолининг экологик маданият даражасини кўтариш, ёшларда миллий ғурур, ватанга ва ватанимиз табиатига ҳурмат, уни асраш ва келгуси авлодларга етказиш ҳиссини шакллантириш лозим. Экологик партия аъзолари, ҳозирги даврда ёшларни табиат ресурсларидан фойдаланишга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган, илмий асосланган таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, Орол денгизи инқирозининг салбий оқибатларини юмшатишга ҳисса қўшиш зарур. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, минтақа халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг янги босқичга кириши, ушбу масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

2018 йилнинг август ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг саммитида таъкидланганидек, Орол денгизининг қуриши муаммоси минтақа халқларининг ижтимоий, иқтисодий ривожида алоҳида ўрин тутади, яъни ушбу экологик танглик, минтақада мавжуд бўлган умумий фожиадир. Унинг салбий оқибатлари тобора чуқурлашмоқда, минтақа халқлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, жиддий иқлим ўзгаришлари кузатилмоқда. Минтақа халқларининг яшаш шароитига бирдек таъсир кўрсатаётган чўлланиш жараёнини тўхтатиш, унинг оқибатларини пасайтириш ҳам Экологик партия аъзолари томонидан ечим топишга эътибор қаратилиши зарур муаммодир. Иқтисодиётнинг комплекс ривожланиши минтақада экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш заруриятини вужудга келтирди. Бу борада “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида “Траст фонди”нинг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди” [9. Б. 3].

Жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ўзбек ва тожик халқлари маданияти бир-бирига жуда яқин. Икки қўшни халқ бошқа тилларда сўзлашса-да, кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик элларни, дилларни боғловчи муҳим омил бўлиб келган. Хусусан, ўзбек ва тожик халқларининг ўхшаш урф-одатлари, санъати, маданий мулоқоти шаклларини топиш ютуқлар билан алмашишга имкон берган. Янги ривожланиш босқичида ҳам бу каби анъаналар давом этмоқда. Ўзбекистонда Тожикистон маданияти кунлари ўтказилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Мазкур фестиваль санъат, маданият ҳамда маънавият соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг учрашув ва мулоқотлари ўзаро ишончга асосланган ижтимоий-иқтисодий алоқаларни мазмунан бойитиб, ижодий муваффақиятларни рағбатлантириш учун зарур шароит яратишга асос бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида ёритилган “Замонавий Тожикистон” номли фотокўргазма, мўйқалам усталарининг ижод намуналари, ёзувчи ва шоирларнинг китоблари тақдимоти ўтказилди. Ташкил этилган турли байрам кечаларида санъат намояндалари билан учрашувлар тақдим қилинди. Шунингдек, тожикистонлик киноижодкор Носир Саидов томонидан суратга олинган “Акси йўқ кўзгу” ва “Муаллим” бадиий фильмлари намойиш қилинди. Халқаро кинофестивалларда эътибор қозонган мазкур картиналар ҳалоллик ҳамда софдиллик сингари умуминсоний кечинмалар ҳақида ҳикоя қилади [10. Б. 65].

Мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксарият қисми ҳали ўзлари таянадиган ижтимоий қатламларни аниқлаштириб олмагани ёки ўзларини бирон-бир ижтимоий қатлам манфаатларини ифодаловчи ташкилот даражасига етказа олмагани учун ҳам ўз фаолиятига фуқароларни жалб этиш муаммоларининг ечимини топганларича йўқ. Айниқса, аксарият жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари, фаолларининг эски бюрократик тизимда орттирган руҳияти ва иш услубларидаги тажрибалари, худди давлат органларига хос раҳбарлик каби фаолияти ҳамон сақланиб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Уларнинг баъзилари ҳали ҳам давлат ҳокимияти органларини ўзларининг бевосита раҳбарлари-назоратчилари деб билмоқдалар.

Мамлакатдаги касаба уюшмаларини фуқаролик жамияти институти сифатида демократлаштиришдаги муҳим вазифалардан бири – бу халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, меҳнат жамоаларидаги бошланғич касаба уюшмаларининг ташкилий ва ижтимоий ҳимояга тааллуқли фаолиятини юксалтириш, ижтимоий шерикчиликда ҳам уларнинг ҳал қилувчилик ролини кўтариш, уларни мустақил ташкилот сифатдаги мақомини таъминлаш, шунингдек, тармоқлар касаба уюшмалари атрофига жипслаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муҳим эътибор беришдир [7. Б. 24].

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришдаги муҳим муаммолардан яна бири фуқаролар сиёсий маданияти ва ҳуқуқий маданиятининг демократик асосларда шаклланишига эришишдир. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоийлашув жараёнларини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ўрнини ошириш ҳам ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, маданий алоқаларнинг янги ривожланиш босқичидаги ривожланиши минтақа давлатлари ва халқлари орасидаги азалий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу жараённинг амалга ошишида мамлакатлар раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ва ушбу соҳада икки томонлама қабул қилинган ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, мустақил давлатлар парламентларининг ўзаро алоқалари ҳам муҳим ўрин тутади. Маданий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилиши шароитида ушбу муносабатларни такомиллаштириш, жадаллаштириш, замонавий мазмун билан бойитиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Сиёсий партиялар раҳбарларининг ўзаро учрашувларини ташкил этишни кўпайтириш ва ушбу анжуман доирасида минтақа халқлари, жумладан, сиёсий партиялар аъзолари, депутатлар фракциялари, миллий парламентлар орасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтириш учун амалий таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

Ижтимоий тараққиёт талаблари ушбу жараёнга комплекс ёндашувни талаб қилади ва бундай ҳолатда маданий имкониятлар, моддий ва маънавий маданият дурдоналари миллатлар, халқлар орасидаги азалий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда асосий вазифани бажармоқда. Шу билан биргаликда, янги барқарор тараққиёт босқичида маданий муносабатлар ривожидаги муҳим омиллардан бири бўлмиш санъат асарлари, жумладан, мумтоз мусиқа имкониятларидан тўлиқ фойдаланилгани йўқ. Иқтидорли ёшларни кашф қилиш ишида халқаро тажрибадан фойдаланишнинг янги шаклларини излаш, улар орасида босқичма-босқич ўтказилаётган танловларга хусусий сектор имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Халқаро миқёсдаги ижодкорлар танловлари, фестиваллар, концертларда ёш иқтидорлар ижоди намуналарини намойиш қилиш мақсадга мувофиқ, жаҳон мада-

нияти, санъати намуналарини қардош халқлар, қўшни давлатлар халқлари тилида ижро этадиган ёш санъаткорлар, ижодий гуруҳлар фаолияти учун ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Мустақил давлатлар ижодкор ёшлари фестивалини икки йилда бир марта пойтахтларда ўтказиш ва унда минтақадаги муҳим маданий жараёнларни, минтақа экологик хавфсизлиги, миграция масалаларини, миллий адабиёт ижодкорлари орасидаги ижодий алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш лозим. Халқларимиз орасидаги дўстликни тараннум этувчи бадиий адабиёт, монографиялар, мемуарларни ўзбек тилига ва бошқа қардош халқлар тилига таржима қилишни, бадиий, хроникал кино ленталарни дубляж қилишни кенгайтириш учун тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даркор.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 22 декабрь 2017 йил // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

2. *Хамроев Ҳ.Р.* Сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. – Тошкент: Фан, 2018. – 243 б.

3. *Хажиева М.С*. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 28 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

5. *Раҳимбеков С.* Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 123 б.

6. *Утамуродов А.* Фуқаролик жамияти. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2018. –154 б.

7. *Сиддиқов Д.* Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда парламентнинг роли. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 157 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил 6 февраль.

9. Ўзбекистон экологик партияси таъсис съезди бўлиб ўтди. http://ekolog.uz/08.01.2019.

10. *Юсупов З.У*. Ўзбекистон маданиятида миллийлик ва байналмилаллик. – Тошкент: Фан, 2017. – 287 б


## THE ROLE OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN ENHANCING CULTURAL RELATIONS


**B.B.Iminov[1]**



*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 35 – 41.*


*[1]Fergana State University, Fergana, 150100, str. Murabbiylar, 19 Uzbekistan). E-mail: fardu_info@umail.uz*



***Keywords**: stable development, a new stage of development, youth, reform, cultural ties, foreign countries, poppy seeds, art.*



The article deals with the role of civil society institutions in the further deepening of cultural ties in a new period of development. The author makes an attempt to connect this process with the activities of non-state structures. The author pays special attention to the role of political parties and the media in the further strengthening of interethnic relations and good neighbourly relations with foreign countries.

Uzbeks and Tajiks are very close to each other in the cultures that are making a worthy contribution to world development. Although the two neighbouring nations speak different languages, centuries-old common history, cultural and spiritual community have always been an important factor in connecting nations and languages. In particular, it has allowed the Uzbek and Tajik people to find and share similar traditions, art, cultural dialogue and exchange of achievements. At the new development stage, similar traditions are continuing.

The Days of Tajik Culture in Uzbekistan indicate a new level of cooperation. The festival aims to strengthen cooperation in the field of arts, culture and spirituality, to strengthen friendship and understanding between our peoples. Meetings and talks of the two presidents enrich the socio-economic ties based on mutual trust and create the necessary conditions for encouraging creative success.

As the majority of NGOs in the country have not yet identified the social groups they rely on or have failed to bring themselves to the level of the organization representing the interests of any social group, the problem of engaging citizens in their activities has not been resolved. Especially, it is unfortunate that many of the

leaders and activists of most public associations and non-governmental organizations still retain the same mentality and working practices as those of the state authorities. Some of them still view the public authorities as their direct supervisors. It is necessary to increase the organization of meetings between the leaders of political parties and to develop practical proposals for the further expansion of cultural ties between the peoples of the region, including members of political parties, parliamentary fractions and national parliaments.

The growing presence of cultural ties that have a direct impact on the spiritual world of the people is an indication of the legal, social, and economic opportunities that are being created for human rights and freedoms. As a result of democratic reforms in our country, the activities of NGOs have developed.

## References

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi* (2017) [Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis]. Xalq so'zi. December 23.

2. Khamroev, H.R. (2018) *Siyosat: metodologiya, xorijiy tajriba va qo'llash yo'nalishlari* [Politics: methodology, foreign experience and directions of application]. Tashkent: Fan.

3. Khadjieva, M.S. (2018) *Milliy ongda tolerantlikni shakllantirishning ijtimoiy-falsafiy tahlili* [Socio-philosophical analysis of the formation of tolerance in the national consciousness]. Dissertation abstract for the doctoral degree. Tashkent.

4. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi* (2018) [Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis]. Xalq so'zi. December 29.

5. Rakhimbekov, S. (2018) *Bag'rikenglik – barqarorlik va taraqqiyot omili* [Tolerance is a factor of stability and progress]. Tashkent: O'zbekiston.

6. Utamurodov, A. (2018) *Fuqarolik jamiyati* [Civil society]. Tashkent. Mumtoz so'z.

7. Siddiqov, D. (2019). *Fuqarolik jamiyati institutlarining rivojlanishida parlamentning roli* [The role of parliament in the development of civil society institutions]. Tashkent: Sharq.

8. *O'zbekiston Respubikasi Prezidentining Farmoni. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning 2017–2021 yillarga mo'ljallangan Haraktlar strategiyasi"ni tasdiqlash tog'risida*. (2017) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. About approval of the "Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021"]. Xalq so'zi. February 6.

9. *O'zbekiston ekologik partiyasi ta'sis s'ezdi bo'lib o'tdi* (2019) [The founding congress of the Ecological Party of Uzbekistan was held]. http://ekolog.uz/08.01.2019.

10. Yusupov, Z.U. (2017) *O'zbekiston madaniyatida milliylik va baynalmilallik.* [Nationalism and Internationality in the Culture of Uzbekistan]. Tashkent: Fan.

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**Иминов Бегзод Бегижанович** – Фарғона давлат университети таянч докторанти. E-mail: iminov_b@bk.mail.ru.